# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 15 октябрь, № 224 (8286) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## МДҲ МАКОНИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этди.**

Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган саммит ишида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Арманистон Республикаси Бош вазири Никол Пашинян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳамда МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедев қатнашди.

→ 2

## «МАРКАЗИЙ ОСИЁ — РОССИЯ» САММИТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Остона шаҳрида «Марказий Осиё — Россия» саммитида иштирок этди.**




Учрашувда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов ҳам қатнашди.

“Марказий Осиё — Россия” форматидаги ҳамкорлик, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Давлатимиз раҳбари минтақавий шерикликни кучайтириш мақсадида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва маданий-гуманитар соҳалардаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги алоқаларни янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган ташаббусларни илгари сурди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ МДҲ САММИТИ ДОИРАСИДА УЧРАШДИЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 14 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.**



Марказий Осиёда кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш ва минтақавий шерикликни мустаҳкамлашнинг муҳим масалалари кўриб чиқилди.

Президентлар олий даражада эришилган, энг аввало, товар айирбошлашни кўпайтириш, саноат, энергетика, транспорт, инфратузилма, қишлоқ хўжалиги соҳаларида устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги келишувларни рўёбга чиқариш зарурлигини таъкидладилар.

Шунингдек, минтақавий тузилмалар, шу жумладан, ШҲТ ва МДҲ доирасидаги ҳамкорликка оид масалалар муҳокама қилинди.

Шу билан Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга амалий ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!

Сизларни чин дилдан самимий қутлашдан беҳад хурсандман.

Саммитни юқори даражада ташкил этгани ва анъанавий меҳмондўстлик учун Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Кемелевич Тоқаев номига билдирилган миннатдорлик сўзларига қўшиламан.

Бугунги учрашувимиз МДҲ доирасидаги ҳамкорлик бўйича асосий фаолиятимиз якунларини сарҳисоб қилиш ва келгусидаги режаларни белгилаб олиш учун яхши имконият ҳисобланади.

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!

Куни кеча Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш йиғилишида биз жаҳонда юзага келаётган вазият ҳақида батафсил фикр алмашиб олган эдик.

Кучайиб бораётган танглик ва стратегик ноаниқлик, замонавий дунё тартиботининг асослари ва тамойилларига путур етаётганини барчамиз қайд этдик.

Озиқ-овқат ва энергия хавфсизлигига қарши таҳдидлар хатарли даражага етиб, кўплаб минтақаларда ижтимоий ларзалар ва беқарорлик ҳолатларини келтириб чиқармоқда.

Афсуски, Ҳамдўстлик макони ҳам бундан четда қолаётгани йўқ. Ушбу салбий тенденцияларнинг барчаси барқарор ривожланишни таъминлашга қаратилган умумий ҳаракатларимизга тўсқинлик қилмоқда.

Кўриниб турибдики, бундай кенг кўламдаги муаммоларни фақатгина биргаликда ҳал этиш мумкин. Айнан шунинг учун биз МДҲ майдонидан максимал даражада фойдаланишимиз — Ташкилотимизнинг мавжуд салоҳиятини чуқур таҳлил қилишимиз ва кўп қиррали ҳамкорликнинг бутун имкониятларини ишга солишимиз лозим.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, мавжуд хатарларга қарамасдан, биз МДҲ доирасида барча йўналишлар бўйича ижобий ўсиш суръатларини таъминлашга эришмоқдамиз. Хусусан, Ўзбекистоннинг Ҳамдўстлик давлатлари билан товар айланмаси, ўтган йил якунига кўра, 35 фоизга ошди, жорий йил бошидан буён эса яна учдан бир баробар ўсди.

Машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биргина сўнгги ойларнинг ўзида МДҲ мамлакатларидаги шерикларимиз билан 800 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди.

Маданий алоқаларимиз жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда фестиваллар, концертлар, ярмаркалар, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Бугунги босқичда, бизнинг назаримизда, умумий ҳаракатларимизни қуйидаги масалаларнинг ечимига қаратишимиз муҳимдир.

**Биринчи.** Ўзаро савдодаги тўсиқларни тезкор бартараф этиш юзасидан амалий чоралар қабул қилишимиз зарур. Биз бу ҳақда жуда кўп гапирдик. Энди амалий ҳаракатларга ўтиш вақти келди.

Ўзбекистон МДҲ доирасида эркин савдо тартибидаги мавжуд чекловларни тўлиқ бекор қилишга тайёр.

Биз, шунингдек, 2009 йилдаги Товарлар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш қоидаларига қўшилиш тўғрисида қатъий қарор қабул қилдик. Ҳамдўстликдаги ҳамкорларимиздан ҳам ана шундай ҳаракатларни кутиб қоламиз.

Қабул қилинган МДҲнинг 2030 йилга қадар мўлжалланган иқтисодий тараққиёт стратегиясини амалга ошириш мақсадида турдош вазирларимизга ўзаро савдо ўсишини рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда, бир ой муддатда маслаҳатлашувлар ўтказишлари юзасидан топшириқ беришни таклиф этаман.

**Иккинчи.** Озиқ-овқат хавфсизлиги ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда. Нархнавонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ҳамда инфляцияни жиловлаш мақсадида МДҲ маконида озиқ-овқат маҳсулотлари тўсиқларсиз етказиб берилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳимдир.

Ўзбекистон ўз ҳамкорларини узоқ муддатли фьючерс шартномаларини тузиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари, хусусан, эртапишар қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлашга тайёр.

Ўз навбатида, биз ғалла, ёғ-мой ва озуқабоп экинларнинг кафолатланган тарзда етказиб берилишидан манфаатдормиз.

МДҲ Ҳукумат раҳбарлари кенгашига талаб юқори бўлган озиқ-овқат товарларини кафолатланган тарзда етказиб берилишининг ҳар йилги квотасини келишиш механизмини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш юзасидан топшириқ берилишини таклиф этамиз.

**Учинчи.** Мамлакатларимизнинг транспорт тизимига бўлган жиддий таҳдидларни инобатга олган ҳолда, янги логистика йўлакларини ҳамкорликда ривожлантириш ғоят муҳим, деб ҳисоблаймиз.

→ 2

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ ЙИҒИЛИШИДАГИ НУТҚИ

1

Бу ўринда гап Термиз — Мозори Шариф — Кобул — Пешовар ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлларини қуриш бўйича лойиҳалар ҳақида бормоқда. Ушбу йўллар МДҲ трансконтинентал транспорт ташувларининг муҳим занжирига айланишига кўмаклашади ҳамда юкларни олиб ўтишнинг муддати ва нархини бир неча баробар қисқартириб, амалдаги йўналишларни изчил тўлдириб боради.

Ишончим комилки, трансмиллий йўлакларнинг кўпвариантли бўлиши Ҳамдўстлик давлатлари маҳсулотлари учун кенг кўламли янги бозорларни очади.

**Тўртинчи.** Ўзаро инновацион ҳамкорлик ва ёшлар масаласида муносабатлар соҳасида қабул қилинган стратегик дастурий ҳужжатларни амалга ошириш мақсадида кейинги йил Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари ёш олимларининг “Ёшлар — инновация тарафдори” шиори остидаги биринчи конгрессини ўтказишни таклиф этамиз.

Анжуман доирасида стартап лойиҳалар ва инновацион ишланмалар кўргазмаси, тўртинчи авлод жаҳон саноат етакчилари иштирокида тақдимотлар ҳамда “маҳорат дарслари” ташкил этилади.

**Бешинчи.** Гуманитар ҳамкорлик соҳасида таълим, илм-фан, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат борасидаги қўшма лойиҳа ва дастурларнинг амалга оширилишида янада фаол кўмаклашиш ва иштирок этишга тайёрмиз.

2023 йилда Санкт-Петербург шаҳрини МДҲнинг маданият пойтахти, деб эълон қилиш ҳақидаги қарорни қўллаб-қувватлаймиз.

Ўз навбатида, қадимий Самарқанд шаҳрини 2024 йилда МДҲнинг маданият пойтахти деб эълон қилишни таклиф этамиз. Бундан ташқари, ҳар йили шахмат бўйича Ҳамдўстлик очиқ кубогини ўтказиш ташаббусини илгари сурамиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Ўзбекистон томони бугунги саммитнинг кун тартибига киритилган ҳужжатларнинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлайди.

Биз, шунингдек, Ташкилотнинг Ижро қўмитаси раиси — МДҲ Ижрочи котиби Сергей Николаевич Лебедевнинг ваколатлари навбатдаги муддатга узайтирилишини маъқуллаймиз.

Биз уни тажрибали ва масъул раҳбар сифатида яхши биламиз, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама муносабатларни кенгайтириш борасидаги фаол саъй-ҳаракатларини қадрлаймиз.

Сўзимнинг якунида Қирғиз Республикаси Президенти Садир Нургожоевич Жапаровга Ташкилотимизга келгуси йилда қиладиган раислик фаолиятида муваффақиятлар тилаб қоламан.

Ишонаманки, бугунги йиғилиш якунлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида амалий ҳамкорлик самарадорлигини оширишга имкон беради.

Эътиборингиз учун ташаккур.

# МДҲ МАКОНИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЭНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

1

Кун тартибига мувофиқ, делегациялар раҳбарлари ташкилот доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва бу борада эришилган натижалар юзасидан фикр алмашдилар, сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш масалаларини кўриб чиқдилар.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида МДҲ доирасидаги шерикликни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишлари юзасидан ўз нуқтаи назарини баён қилди.

Таъкидланганидек, жаҳондаги мураккаб вазият, кучайиб бораётган кескинлик ва стратегик мавҳумлик барқарор тараққиёт борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва МДҲ майдонидан максимал даражада самарали фойдаланишни тақозо этмоқда.

Ҳамдўстлик мамлакатларида изчил иқтисодий ўсишга эришиш муҳимлиги қайд этилди.

Мавжуд хатарларга қарамасдан МДҲ доирасида барча йўналишлар бўйича ижобий ўсиш суръатларини таъминлашга муваффақ бўлинаётгани мамнуният билан таъкидланди. Хусусан, Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айланмаси ўтган йил якунига кўра 35 фоизга ошди, бу йил бошидан буён эса яна учдан бирга ўсди.

Машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда кооперация лойиҳалари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Биргина сўнгги ойларнинг ўзида МДҲ мамлакатларидаги шериклар билан 800 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди.

Шу билан бирга, ўзаро савдодаги тўсиқларни тезкор бартараф этиш бўйича таъсирчан чоралар кўриш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари нарх-навонинг сунъий ўсишига йўл қўймаслик ҳамда инфляцияни жиловлаш мақсадида МДҲ маконида озиқ-овқат маҳсулотлари тўсиқларсиз етказиб берилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш муҳимлигини қайд этди.

Мамлакатларимизнинг транспорт тизимига бўлган жиддий таҳдидларни инобатга олган ҳолда, янги логистика йўлакларини ҳамкорликда ривожлантириш ғоят муҳимдир. Бу ўринда гап Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар ҳамда Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўлларини қуриш лойиҳалари ҳақида бормоқда. Улар МДҲни трансконтинентал транспорт ташишларнинг муҳим занжирига айлантиришга кўмаклашади.

МДҲ маконидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан бири маданий-гуманитар соҳадир. Бу борадаги алоқалар жадал ривожланмоқда. Мунтазам равишда фестиваллар, концертлар, ярмаркалар, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўзаро инновацион ҳамкорлик ва ёшлар масаласида муносабатларни кенгайтириш мақсадида Президентимиз келгуси йилда Ўзбекистонда МДҲ мамлакатлари ёш олимларининг “Ёшлар инновация тарафдори” шиори остидаги биринчи конгрессини ўтказишни таклиф қилди.

Ўзбекистон таълим, фан, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият ва санъат борасидаги қўшма лойиҳалар ва дастурлар амалга оширилишида янада фаол кўмаклашиш ва иштирок этишга тайёрлиги таъкидланди.

2023 йилда Санкт-Петербург шаҳрини МДҲнинг маданият пойтахти, деб эълон қилиниши тўғрисидаги қарор қўллаб-қувватланди. 2024 йилда маданият пойтахти номини олишга Самарқанд номзоди илгари сурилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари ҳар йили шахмат бўйича Ҳамдўстлик очиқ кубогини ўтказишни таклиф қилди.

Сўзининг якунида Ўзбекистон етакчиси МДҲ Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби Сергей Лебедевнинг ваколатлари навбатдаги муддатга узайтирилишини маъқуллади ҳамда Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга 2023 йилда ташкилотга раислик фаолиятида муваффақият тилади.

Мажлисда етакчилар МДҲ доирасида эришилган келишувларни амалга ошириш ва муҳим ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш юзасидан фикр алмашди. Давлат раҳбарлари кенгаши қарорларининг ижросини назорат қилишда МДҲ Парламентлараро Ассамблеяси салмоқли ўрин тутиши қайд этилди.

Саммит натижалари бўйича кўп томонлама ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РАҲБАРИ ЖАҲОНДА МАВЖУД МУАММОЛАР, УЛАРНИНГ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ РИВОЖИГА ТАЪСИРИ ВА ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА АНИҚ ТАСАВВУРГА ЭГА

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 13 октябрь куни Остона (Қозоғистон) шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш йиғилишида илгари сурилган ташаббус ва таклифлар халқаро экспертлар ҳамжамиятининг диққат-эътиборида бўлмоқда.*

*Мутахассислар давлатимиз раҳбари Осиё ва бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган изчил ташқи сиёсат амалга ошираётганини эътироф этаётир.*

## Акс садо



**Хосе Луис БАРСЕЛО, «El Mundo Financiero» интернет-нашри бош муҳаррири (Испания):**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон муваққат ҳукумати билан мулоқот қилиш учун юқори даражадаги халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ташаббуси орқали БМТ Бош Ассамблеясига мурожаати бўйича даъвати бугунги кунда дунёда кечаётган воқеалар шароитида долзарб заруратдир.

Президент Шавкат Мирзиёев Афғонистондаги вазиятга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратиш учун ҳар бир халқаро платформадан самарали фойдаланаётганини эътироф этиш зарур. Бу долзарб масала дунёда содир бўлаётган сўнгги воқеалар шароитида “парда ортида” қолмоқда. Ўзбекистон Президентининг Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорликда умумий ва келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги фикрини тўла қўллаб-қувватлайман.

Ўзбекистон етакчисининг навқирон авлодни радикализмдан асраш, унинг куч-ғайрати ва иштиёқини бунёдкорликка йўналтириш бўйича тизимли ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган саъй-ҳаракатлари алоҳида эътирофга лойиқ. Шуни таъкидлашни истардимки, радикализмнинг кучайиши хавфли тенденциядир. Шу нуқтаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ушбу ташаббусини жуда долзарб, деб ҳисоблайман.

Биз Ўзбекистон Президентининг Остонада бўлиб ўтган саммитлардаги нутқлари мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган батафсил таҳлилий мақолани тайёрлаяпмиз. У яқин кунларда “El Mundo Financiero” интернет-нашри ўқувчилари эътиборига тақдим этилади.



**Шерадил БАКТИГУЛОВ, эксперт (Қирғизистон):**

— Ўзбекистон раҳбари ОҲИЧК саммитида бугун халқаро жамият мисли кўрилмаган ишончсизлик муҳитига дуч келаётгани, халқаро муносабатларда ноаниқлик кучайиб бораётганига гувоҳ бўлаётганимизни таъкидлади. Буларнинг барчаси кўп томонлама ҳамкорлик асосларига путур етказади, можароларнинг кучайишига сабаб бўлади, жаҳон иқтисодиётида тизимли муваффақиятсизликларга олиб келади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, ёшлар ўртасида радикал ғоялар тарқалишининг олдини олиш, миллий иқтисодиётлардаги инқирозни бартараф этиш бўйича таклифлари ҳам алоҳида таҳсинга сазовор.

Халқаро майдондаги қатор геосиёсий воқеалар натижасида Афғонистондаги вазият эътибордан четга тушиб қолмоқда, аммо Осиё минтақасида мавжуд муаммолар ва хавфсизликка таҳдидлар ҳамон сақланиб турибди, уларнинг даражаси пасаймаган. Шу боис Афғонистон муваққат ҳукумати билан ҳамкорлик қилиш ва юқори даражадаги халқаро музокаралар гуруҳини тузиш таклифи ушбу мамлакатнинг сиёсий инқироздан чиқиши учун асос яратиш ва Осиё минтақасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришнинг самарали механизмини яратишга хизмат қилади.

Ёшлар ўртасида радикал ғояларнинг тарқалиши жиддий глобал муаммодир. Баъзан ёшлар турли сабабларга кўра бузғунчи ғоялар таъсирига тушиб қолиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон раҳбарининг янги формат — турли ёшдаги одамлар ўртасида ўзаро тушунишни кучайтириш ва ёшларнинг энг долзарб муаммоларига биргаликда ечим топиш мақсадида “Авлодлар мулоқоти”ни яратиш бўйича таклифи ўз ижобий натижаларини беради. Бундай формат ёшларнинг куч-ғайратини ижобий тарафга йўналтиришнинг самарали механизмига айланиши мумкин.

Ўзбекистон Президентининг миллий иқтисодиётларни инқироздан чиқариш бўйича таклифлари бу вазиятдан тезроқ чиқиб кетишга салмоқли ҳисса қўшади. Инқироздан чиқиш йўли протекционизмни рад этиш, янги чекловларни жорий қилишдан воз кечиш, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғлайдиган ишлаб чиқариш ва логистика занжирлари ҳамда транспорт йўлакларини яратиш, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш тизимларини такомиллаштириш, экология ҳамда иқлим ўзгариши муаммоларини ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир.

**Илгар ВЕЛИЗАДЕ, Жанубий Кавказ сиёсатшунослар клуби раҳбари (Озарбайжон):**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг ОҲИЧК саммитидаги нутқи Ўзбекистон раҳбариятининг Осиёда ва бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташқи сиёсий курси изчиллигининг яна бир далилидир. Давлат раҳбарининг турли ёшдаги одамлар ўртасида ўзаро тушунишни янада яхшилаш, ёшларнинг энг долзарб муаммолари ечимини биргаликда излашга хизмат қиладиган “Авлодлар мулоқоти” ташаббуси Тошкентнинг узлуксизликка асосланган узоқ муддатли халқаро муносабатлар тизимини барпо этишга содиқлигини ифодаламоқда.



Маълумки, Ўзбекистонда ёшларга оид сиёсатни амалга ошириш, ёшларнинг асосий муаммоларини ҳал этиш, биринчи навбатда, уларнинг бандлигини таъминлаш, билим ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида салмоқли натижаларга эришиляпти.

Ижтимоий омиллар таъсирида ёшлар ўртасида радикализм кучайиб бораётган ва бузғунчи ташкилотларнинг фаоллашуви билан юзма-юз келаётган ОҲИЧКга аъзо қатор давлатларда бу ижобий тажриба ўз самарасини бериши мумкин.

**Меҳмет Сейфеттин ЭРОЛ, Анқара Инқироз ва сиёсий таҳлил маркази директори (Туркия):**

— Ўзбекистон раҳбари яна бир бор истисносиз Осиёнинг барча давлатларини ташвишга солаётган масалаларни кўтарди.

Мен унинг янги геосиёсий воқеликлар минтақа барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиши ҳақидаги фикрига тўла қўшиламан.

Бугунги кунда минтақа давлатларининг кун тартибидаги асосий масалалардан бири озиқ-овқат хавфсизлиги ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор моделлари ва озиқ-овқат етказиб беришнинг мақбул занжирларини шакллантиришдан иборат бўлган ўз позициясини намойиш этаётгани баробарида, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилишнинг яхлит тизимини яратиш ташаббусини ҳам илгари сурмоқда.

Ўзбекистон раҳбари томонидан кўтарилган яна бир муҳим масала — Афғонистондаги вазият алоҳида эътиборни талаб қилади. Афғонистон муваққат ҳукумати билан ўзаро ҳамкорлик бўйича умумий, келишилган ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди. Шу муносабат билан, Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ташаббуси асносида Осиё давлатларининг БМТ Бош Ассамблеясига қўшма мурожаат билан чиқиш имкониятини кўриб чиқиш таклиф этилди.



Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг ташаббускорлиги ва амалий ёндашувлари таъсирида ОҲИЧКга аъзо давлатлар ўртасида яқин мулоқот изчил ривожланади.

**Шоҳ Файсал КАКАР, Покистон Ташқи ишлар вазирлиги департаментининг Марказий Осиё мамлакатлари ва Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бўйича бош директори:**

— Муболағасиз айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Покистон раҳбарларининг фаол мулоқоти ҳукуматлар, ҳудудлар, ишбилармон доиралар даражасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



Ҳукуматимиз Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги энг муҳим ва йирик ҳамкор сифатида қарайди. Тошкент ва Исломобод сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда транспорт соҳаларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга интилмоқда.

Покистон Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ва минтақанинг бошқа давлатларининг асосий ҳамкорига айлана олишимизга умид қилади. Бу минтақавий интеграция ва ўзаро боғлиқлик лойиҳаларини, айниқса, Термиз — Пешовар темир йўл тармоғини қуришнинг янги конфигурациясини шакллантиради.

Исломобод ва Тошкент минтақавий хавфсизликни таъминлашда фаол ҳамкорлик қилмоқда ва афғон муаммосини ҳал қилиш бўйича нуқтаи назарлари ҳам ўхшаш.

Ўзбекистон раҳбари ОҲИЧК саммитидаги нутқида Афғонистон бўйича юқори даражадаги халқаро музокаралар гуруҳини тузиш ҳақидаги муҳим ташаббусни илгари сурди.

Покистон Ташқи ишлар вазирлиги мамлакат ҳукуматига ушбу ташаббусни қўллаб-қувватлашни тавсия қилади, чунки таклиф этилаётган платформа Осиё мамлакатларига биргаликда жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини афғон муаммосига қаратиш, хавфсизликка таҳдидларни тўхтатиш бўйича реал қадамлар қўйиш, қочқинлар ва гуманитар инқироз, шунингдек, Афғонистоннинг минтақа мамлакатлари билан иқтисодий интеграциясини таъминлаш афғон муаммоларини ҳал қилиш имконини беради.

**«Дунё» АА.**

# ДУНЁНИ СОҒЛОМ КУЧЛАРНИНГ АМАЛИЙ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИ ҚУТҚАРАДИ

*Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги мажлиси нафақат минтақа, балки халқаро аҳамиятга молик муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал қилиш борасида муҳим келишувларга эришилгани билан аҳамиятли бўлди.*

Элликка яқин аъзо мамлакатлар ҳамда кузатувчилар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар делегациялари қатнашган анжуманда Президентимиз ҳам иштирок этиб, нутқ сўзлади, барчанинг эътиборини яна бир бор тинчлик ва кўп томонлама ҳамкорлик асосларига путур етказувчи масалаларга қаратаркан, уларнинг конструктив ечимларини таклиф қилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида юзага келган янги геосиёсий воқелик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани, инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилаётгани, хусусан, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича Ўзбекистон саъй-ҳаракатларини ҳам секинлаштирганини таъкидлади.

Шундан келиб чиқиб, Афғонистондаги айни вазият алоҳида эътиборни талаб қилишини, бошқа ўткир халқаро муаммолар қалқиб чиқиши натижасида афғон масаласи иккинчи даражага тушиб қолганини қайд этди. Ўтмишда ушбу давлат амалда халқаро террорчилик маконига айланиб қолгани билан боғлиқ аччиқ тажриба қайта такрорланишига асло йўл қўйиб бўлмаслигини қайд этди.

Мамлакатимиз Президенти радикал ғоялар хуружи ҳақида ҳам гапириб, ёшларни радикализмдан асраш, уларнинг куч-ғайрат ва шижоатини бунёдкорлик сари йўналтириш учун тизимли ҳамкорликни ўрнатишимиз кераклигини таъкидлади. Авлодлар мулоқотини йўлга қўйишни таклиф этиб, 2023 йилнинг апрелида Самарқандда Ёш етакчилар форумини ўтказишни таклиф қилди.

Шунингдек, иқтисодиётнинг ўсиб бораётган глобал инқирозларини ҳал қилишда Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш, инновациялар трансфери салоҳияти ҳамда рақамлаштиришни кучайтириш, сунъий интеллектни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун саъй-ҳаракатларни бирлаштириш бўйича ҳам ўз таклифларини илгари сурди.

Таъкидлаш лозим, давлатимиз раҳбарининг бу таклифлари иштирокчи давлатлар томонидан якдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Чиндан ҳам, глобаллашаётган дунёда ҳеч бир мамлакат якка ҳолда тараққиётга эришиб бўлмаслиги бугун исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатга айланди. Чунки дунёнинг айрим ҳудудларида юз бераётган нотинчликлар, аввало, шундоқ ҳам тақчил бўлиб бораётган озиқ-овқат ва энергетика билан боғлиқ муаммоларни баттар издан чиқармоқда. Хавфсизлик, транспорт логистикаси, инвестициявий оқимга таъсир кўрсатиб, иқтисодий тараққиёт йўлини тўсмоқда. Бундай шароитда, албатта, ҳар бир давлатнинг манфаатлари бирдек ҳисобга олинган кўп томонлама ҳамкорлик ривожи муҳим саналади.

**Зафар АБДИРИМОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТАШАББУСЛАР ҲАМЖИҲАТЛИК ВА ТОТУВЛИККА ЧОРЛАЙДИ

*Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг навбатдаги саммитида Президентимиз иштирок этиб, хавфсизлик, тинчлик, экология ва иқлим ўзгариши билан боғлиқ бир қатор ташаббусларни илгари сурди. Глобал дунёдаги вазиятга баҳо берди ва халқаро муносабатларда ноаниқлик тобора ўсиб, мулоқот ҳамда ишонч мисли кўрилмаган даражада тақчил бўлиб бораётганини қайд этди.*

Юзага келган янги геосиёсий воқелик бутун Осиё қитъаси барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётганини айтаркан, инқирозли ҳолатлар Марказий Осиё давлатларига ҳам тўғридан-тўғри дахл қилаётганини, иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни секинлаштиришга олиб келаётганини таъкидлади.

Саммитда давлатимиз раҳбари бир қатор ташаббусларни илгари сурди.

Хусусан, протекционизмнинг кучайишига, глобал бозорларни беқарор қиладиган омилларни, жумладан, янги чекловларнинг жорий этилишига йўл қўймаслик, Осиё қитъасида ўзаро боғлиқликни, биринчи галда, ишлаб чиқариш-логистика занжирини, Марказий Осиёни Жанубий ва Шарқий Осиё, шунингдек, Яқин Шарқ билан самарали боғловчи транспорт йўлакларини яратиш, жаҳон саноат инқилобининг янги босқичига ўтишнинг асоси бўлган билимлар иқтисодиётини илгари суриш, инновациялар трансфери салоҳиятини янада тўлиқроқ ишга солиш, рақамлаштиришни фаол рағбатлантириш, юқори технологиялар, сунъий интеллект, интернет тизимларини ривожлантириш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратди.

Янада эътиборлиси, саммитда давлатимиз раҳбари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида янги ёндашувларни таклиф этди. Булар — озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимларини ва уни етказиб беришнинг оптимал занжирини шакллантириш, ички минтақавий савдо ўсиши учун техник регламентларни уйғунлаштириш, Осиёда озиқ-овқат хавфсизлигини мониторинг қилишда яхлит тизим яратиш билан боғлиқ муаммолардир.

Айтиш жоиз, бу долзарб ва айни пайтда амалга ошириш жуда муҳим бўлган масалалар сирасига киради. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда қатнашаётган 28 та давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарларини дунёдаги глобал муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга ва бунда ҳар бир мамлакат бир-бирига кўмакчи бўлиши лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Бундан кўринадики, бугун ҳеч бир давлат ён қўшни ёки узоқ-яқиндаги мамлакатлар билан ҳамкорлик қилмасдан иқтисодий юксалишларга эришолмайди. Шундай экан, саммитда Президентимиз кўтарган барча масалалар дунё мамлакатларини ҳамжиҳатлик ва тотувликка чорлаши билан таҳсинга сазовордир.

**Дилбар УСМОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Мулоқот

# АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўйича миллий комиссия раиси Танзила Норбоева "Better Cotton Initiative" (BCI) нодавлат нотижорат ташкилоти менежери Рэйчел Бэккет билан учрашди.*

Учрашувда Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида ўзбек пахтасига қўйилган бойкот бекор қилингани, бу эса мамлакатда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш имкониятини янада кенгайтиргани алоҳида айтиб ўтилди.

Конструктив ва амалий жиҳатларни қамраб олган мулоқот давомида Ўзбекистон ва "Better Cotton Initiative" ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон пахта кластерларига халқаро стандартларни жорий этиш, уларни тегишлича лицензиялаштириш ҳамда энг биринчилар қаторида маҳаллий тўқимачилик маҳсулотларимизда кузатувчанлик тизимини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилди. Бундан ташқари, томонлар "BCI"нинг Тошкентдаги ваколатхонасини тез кунларда таъсис этиш юзасидан келишиб олдилар.

Маълумот ўрнида айтиш лозим, "BCI" "пахта даласидан сотувгача" бўлган бутун ишлаб чиқариш жараёнини сертификатлаш билан шуғулланади. Ташкилотнинг мингдан ортиқ аъзолари мавжуд бўлиб, улар қаторига "H&M", "Gap", "IKEA", "Levi Strauss", "Zara", "Hugo Boss", "Adidas", "Puma" каби дунёнинг 80 дан зиёд энг йирик брендлари ҳам киради.

**«Халқ сўзи».**

# ПАРЛАМЕНТЛАР ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТЎЛИҚ ИШГА СОЛИШГА КЕЛИШИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева 14 октябрь куни Қозоғистон парламенти Сенати Раиси Маулен Ашимбаев билан телефон орқали мулоқот қилди.*

Суҳбат аввалида Т. Норбоева М. Ашимбаевни Остона шаҳрида Жаҳон ва анъанавий динлар етакчиларининг навбатдаги VII қурултойи муваффақиятли ўтгани билан табриклади.

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишончга асосланган муносабатлари ва қатъий сиёсий иродаси туфайли Ўзбекистон — Қозоғистон қардошлик ришталари ривожида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилгани алоҳида қайд этилди.

Икки мамлакат парламенти раҳбарлари Ўзбекистон — Қозоғистон яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, икки томонлама ҳамкорликнинг барча йўналишида амалий шерикликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

Шу билан бирга, парламентлараро алоқаларни кенгайтириш, уни янги мазмун билан бойитиш, норма ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбат сўнгида мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни ҳаётга татбиқ этишда парламентлар имкониятларини тўлиқ ишга солишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ РАСМИЙ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ – ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

*Кеча пойтахтимизда 15 октябрь — Халқаро қишлоқ аёллари куни муносабати билан "Қишлоқ ҳудудларида аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш истиқболлари ва аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки" мавзуида халқаро форум ўтказилди.*

## Халқаро форум

Тадбирда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, айниқса, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган аёлларнинг турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг муаммоларига ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга эътибор қаратиш, жойларда опа-сингилларимизни тадбиркорликка жалб этиш учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар хусусида сўз борди.

Форумда Олий Мажлис Сенати Раиси, Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси раиси Танзила Норбоева қатнашди.

Сенат Раиси иштирокчилар эътиборини хотин-қизларнинг бандлик масаласига қаратиб, қишлоқ ҳудудларида аёлларимиз орасида норасмий секторда банд бўлганлар кўпчиликни ташкил этаётгани, уларнинг расмий бандлигини таъминлаш долзарб масала эканлиги, бу ўз ўрнида, муносиб ҳақ олиш, ишончли ижтимоий ҳимоя ва пенсия таъминотини янада яхшилашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Ўз навбатида, ҳозирги кунда республика олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган хотин-қизлар сони 365 минг нафарни ёки жами талабалар сонига нисбатан 47 фоизни ташкил этаётгани ёмон кўрсаткич эмаслиги, аммо буни янада яхшилаш, айниқса, илмий даражага эга бўлган опа-сингилларимиз сафини кенгайтириш зарурлигига ҳам урғу берилди.

Шунингдек, тадбирда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, хусусан, аграр соҳада мамлакатимиз экспорт салоҳияти ва саноатини юксалтиришда хотин-қизлар ролини ошириш, қишлоқ аёлларининг соғлиғини мустаҳкамлаш, оналик ва болалик муҳофазаси ҳамда ижтимоий ҳимоя борасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## Нуқтаи назар

*Мустақиллик йилларида кўп миллатли Ўзбекистон халқи катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Бугунги шиддатли замонда жаҳон миқёсида давом этаётган қарама-қаршиликлар, зиддиятлар ва иқтисодий инқирозга, шунингдек, бошқа турли таҳдид ва хатарларга қарамасдан, халқимизнинг мустақил тараққиёт йўлидаги амалий ҳаракатлари изчил давом эттирилаётир. Жамиятимизда тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар ва миллатлараро ҳамжиҳатлик муҳити мустаҳкамланмоқда. Янги Ўзбекистонни барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар, катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартириш, янги иш ўринлари ва даромад манбаларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.*




Қувонарлиси, бугун мамлакатимизга ташриф буюраётган турли делегациялар, экспертлар, сайёҳлар Ўзбекистон деган бағрикенг юртни кўриш учунгина эмас, айни чоғда унинг тажрибасини ўрганиш, ибрат олиш учун ҳам келмоқда. Буларнинг барчаси истиқлол шарофати, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани самарасидир.

Шубҳасиз, кейинги йилларда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, юртимизда йилдан-йилга обод бўлиб равнақ топаётган шаҳарлар, туманлар, вилоятлар, халқимиз турмуш даражасининг юксалиб бораётгани давлатимиз раҳбарининг шижоати, халқчил, ижтимоий йўналтирилган оқилона сиёсати боис юз бермоқда.

Шу ўринда узоққа бормасдан, сўнгги беш йилда олиб борилган ишларга тўхталсак. Чунки шу қисқа даврда мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ва жамият бошқаруви тизимининг сифати ва самарасини янада ошириш, коррупцияга қарши курашиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтиришга қаратилган кенг кўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилди. Иқтисодиётни либераллаштириш, рақамли иқтисодиётга ўтиш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини кучайтириш, валюта бозорини эркинлаштириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан комплекс ривожлантириш бўйича диққатга сазовор ишлар амалга оширилди. "Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади" тамойилини ҳаётга жорий этиш орқали аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, бизнес юритиш шартларини енгиллаштириш, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик, ҳунармандчиликни рағбатлантириш учун яратилган янги имкониятлар кўлами янада кенгайди.

Узоқ йиллар тўпланиб қолган ижтимоий муаммолар амалий ечим топа бошлагани ҳам халқимизнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашида ғоят муҳим омилдир. "Бош мақсадимиз — халқимизнинг розилиги", "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш — одамийликнинг энг олий мезонидир", "Халқимиз ўз ҳаётида ижобий ўзгаришларни эртага эмас, узоқ келажакда эмас, айнан бугун кўриши керак" каби ҳаётбахш ғояларга асосланган ҳолда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тўлиқ таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидлаш ўринлики, Президент тақдим этган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси пухта ва узоқни кўзлаб ишлаб чиқилгани, тўғри ва оқилона қарор бўлганини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. Хусусан, 7 та йўналиш ва 100 та мақсаддан ташкил топган 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналиши — миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш бўйича белгиланган устувор вазифаларни Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида бошланган ислоҳотларнинг узвий давоми сифатида баҳолаш мумкин. Ўз ўрнида, шуни ҳам айтиш жоизки, самарали амалга оширилган ислоҳотлар навбатдаги муваффақиятлар гаровидир.

### Иқтисодиёт — ҳамма нарсанинг асоси

2022 — 2026 йиллардаги устувор вазифа сифатида айнан иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантириш орқали аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажмини ошириш кўзда тутилганлигида ҳам ўзига хос маъно бор. 2017 — 2021 йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида саноатнинг етакчи тармоқлари (тўқимачилик, электротехника, автомобиль саноати, қурилиш материаллари саноати, кимё ва нефть-кимё саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, энергетика каби тармоқлар)ни ривожлантириш стратегиялари қабул қилинди. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш, хусусан, пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмасини бекор қилиш орқали ишлаб чиқаришда иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлиги оширилди.

Ўз навбатида, ҳудудларнинг иқтисодий потенциалини кўпайтириш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди, уларга хорижий инвесторларни жалб қилиш учун тегишли имтиёз ва преференциялар берилди. Етакчи тармоқларга ихтисослаштирилган кичик саноат зоналари бунёд қилиниб, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур инфратузилмалар яратилди. Йирик ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган инновацион технопаркларда замонавий илм-фан ютуқлари орқали яратилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда туризм соҳасини тубдан ислоҳ қилиш орқали сайёҳлик инфратузилмаси ривожлантирилди, сайёҳлик хизматлари таркиби (зиёрат туризми, тиббий туризм, кино туризми ва ҳ.к.)нинг яна ҳам кенгайтирилиши натижасида мамлакатнинг сайёҳлик потенциали йилдан-йилга юксалиб бормоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2022 — 2026 йилларда юқорида таъкидлаб ўтилган йўналишларда ҳаётга татбиқ қилинган ислоҳотларни самарали давом эттириш, мавжуд ресурс ва имкониятларни йўналтирган ҳолда, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмини янада ошириш, 2030 йилга бориб эса жон бошига ҳисоблаганда, мамлакатимизнинг аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторига кириши мақсад қилинган. Бунга эса, ўз навбатида, хусусий секторни рағбатлантириш ва унинг улушини ошириш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда драйвер соҳаларда кластер тизимини ривожлантириш орқали эришиш кўзда тутилган.

Айтиш жоизки, иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг самарали ва жадал ривожланиши мамлакатдаги ЯИМ ҳажмининг ортишига, яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган ички маҳсулот ҳажмининг кўпайишига олиб келади. Стратегияда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказишдек улуғвор мақсадлар ўрин олган. 2026 йилга бориб эса тадбиркорлик субъектларига солиқ юкламасини ялпи ички маҳсулотнинг 27,5 фоизидан 25 фоизи даражасига камайтириш, тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини бошлаши учун зарур маълумотларни эркин фойдаланишга чиқариш тўғрисидаги вазифалар белгиланганки, уларнинг ҳаммаси жуда муҳимдир.

Яна бир аҳамиятга молик томони шундаки, стратегияда ҳудудларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш орқали кейинги беш йилда хизмат кўрсатиш ҳажмини 3 баравар ошириш, ушбу йўналишда жами 3,5 миллионта янги иш ўрни яратилиши белгиланган. Бу эса шунча фуқаро доимий иш жойига, даромад манбаига эга бўлади, деганидир.

### Тараққиётнинг ишончли формуласи

Тан олиш керакки, 2017 йилда бошланган иқтисодиётни либераллаштириш ва бозор механизмлари ролини оширишга қаратилган энг муҳим иқтисодий ислоҳотлардан бири — бу миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорининг босқичма-босқич либераллаштирилиши билан боғлиқ амалий қадамлар бўлди. Шу билан бирга, пул-кредит (монетар) сиёсати соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, жумладан, тўлов тизимлари ривожлантирилди, чет эл валютасини чекловсиз сотиб олиш имкони яратилди, нақд пул муаммоси ҳал этилди, узлуксиз ишловчи автоматлаштирилган банкоматлар фаолияти йўлга қўйилди.

Валюта ва ташқи савдонинг либераллаштирилиши натижасида ташқи савдо ҳажми ҳам жадал ўсиб бормоқда. Шунингдек, иқтисодиётга бозор механизмлари тамойилларининг жорий этилиши, нархларнинг эркинлаштирилиши ва шу билан боғлиқ бошқа ислоҳотлар ортидан мамлакатда ички нархлар барқарорлигини таъминлаш, инфляцияни паст даражада ва барқарор ушлаб туриш устувор вазифа сифатида олдинга чиқди.

Шу боис Тараққиёт стратегиясида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаб, инфляция даражасини белгиланган 5 фоизгача пасайтириш навбатдаги вазифа сифатида тасдиқланди. Зеро, мамлакатда ички нархлар барқарорлигининг таъминланиши макроиқтисодий ва ижтимоий мувозанатнинг кафолати ҳисобланиб, бу, ўз навбатида, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда ривожлантириш дастурларининг муваффақияти учун зарур мезон саналади.

Табиийки, инфляциянинг паст ва барқарор кўрсаткичлари иқтисодий ўсишдаги мувозанатни таъминлашда, шунингдек, ишлаб чиқариш рақобатбардошлиги ва аҳоли яшаш даражасини оширишда муҳим омил саналади. Шу нуқтаи назардан, нархлар ўсиш суръатларининг пасайиши ва барқарорлашиши давлат иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бирига айланди.



**Элмурод ҲОШИМОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ректори в.б., иқтисодиёт фанлари доктори.

### Қулай муҳит, кенг имконият — муваффақият кафолати

Ўтган янгиланиш ва ислоҳотлар йилларида Ўзбекистоннинг фискал соҳадаги сиёсати тубдан ўзгарди. Хусусан, бюджетнинг шаффофлиги ва очиқлиги таъминланди, солиққа тортишни соддалаштириш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди, "яширин иқтисодиёт" улушини қисқартириш юзасидан бир қатор самарали чора-тадбирлар бажарилди. Шунингдек, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш тизими такомиллаштирилди. Бунда Олий Мажлиснинг бюджет жараёнидаги роли ва ўрни мустаҳкамланди, маҳаллий ҳокимият вакиллик органларининг ваколатлари кенгайтирилди, "Ташаббусли бюджет" лойиҳаси ишга туширилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг суверен халқаро облигациялари чиқарилиб, ундан тушган маблағлар мамлакат фаровонлиги йўлида стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилди.

Тараққиёт стратегиясига мувофиқ, 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистонда бюджет ва ташқи қарз барқарорлигини таъминлаш вазифасига устуворлик берилмоқда. Чунки мамлакатда фискал дефицитнинг ортиб бориши ва ташқи қарзларнинг халқаро даражада белгиланган меъёрлардан ошиб кетиши миллий иқтисодиётга хавф туғдириши мумкин. Шу билан бирга, стратегияда бюджет маблағларининг самарали сарфланишини таъминлаш мақсадида маҳаллий бюджетларнинг имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилиши кўзда тутилган.

Фискал соҳада белгиланаётган мазкур устувор вазифалар аввалги ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳисобланиб, бу, бир томондан бюджет даромадларини оқилона шакллантиришга хизмат қилса, иккинчи томондан бюджет харажатларининг самарали сарфланишига сабаб бўлади. Пировард натижада эса мамлакатда иқтисодий фаоллик ортиб, макроиқтисодий барқарорлик таъминланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида келгуси беш йилликда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш борасидаги бир қатор стратегик вазифалар белгиланган. Хусусан, тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, бизнес муҳити ва зарур инфратузилмаларни яратиш бўйича ислоҳотларни давом эттириш, камбағалликни икки баробар қисқартириш, ҳудудларни ва аграр соҳани ривожлантиришга оид вазифаларга алоҳида аҳамият берилган. Мазкур вазифалар Ҳаракатлар стратегияси доирасида самарали амалга оширилган ислоҳотларнинг узвий давоми ёки бошқача айтганда, янги муваффақиятнинг бошланиши бўлиб, улар мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Сирасини айтганда, бугун юртимизда кечаётган ислоҳотлар, мавжуд имконият ва юксак салоҳият, халқимизнинг давлат сиёсатига бўлган ишончи ва хайрихоҳлиги, олдимизга ана шундай юксак мақсадлар қўйиш, уларни амалга оширишга асос бўлади, албатта.

Сенат қўмитасида



# ЭЛЧИЛАР ҲИСОБОТЛАРИ ЭШИТИЛДИ

*Кеча Олий Мажлис Сенати Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитасининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Ўмон Султонлиги, Кувайт ва Исроилдаги элчилари ҳисоботлари эшитилди.*

Эшитувда сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, давлат корхоналари раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва ОАВ вакиллари қатнашди.

Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари раҳбарлари хорижий давлат билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, хусусан, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш, экспортни кенгайтириш ва республика ҳудудларига туристлар оқимини кўпайтиришга қаратилган аниқ лойиҳалар, уларнинг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

Очиқ муҳокамада дипломатик миссияларнинг кенг кўламли масалалари ва устувор вазифалари кўриб чиқилиб, уларнинг фаолиятига танқидий баҳо берилди. Хорижда мамлакатимизнинг иқтисодий манфаатларини тарғиб қилиш борасидаги тизимли камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Элчихоналар ташаббуси билан бошланган мамлакатимиз ҳудудларидаги инвестиция лойиҳаларини амалга оширишдаги муаммоларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз навбатида, элчихоналар томонидан сиёсий, маданий-гуманитар ҳамкорлик йўналишларида муайян ишлар амалга оширилаётганлиги қайд этилди. Айни чоғда дипломатик миссиялар раҳбарларининг иқтисодий дипломатия йўналишидаги фаолиятида амалий натижалар йўқлиги танқид қилинди. Масалан, республика ҳудудларига бириктирилган ушбу элчихоналар ишлари қониқарсизлиги айтилди. Хусусан, Исроил (Бухоро вилояти), Кувайт (Жиззах вилояти), Саудия Арабистони (Сурхондарё вилояти)даги элчихоналаримиз таклиф қилган лойиҳаларнинг бирортаси ҳам бугунга қадар амалга ошмаган.

Тадбирда минтақалараро ҳамкорликни ривожлантириш, ҳамкор давлатларнинг шаҳарлари ўртасида қардошлик муносабатларини йўлга қўйиш борасида тизимли ва самарали иш олиб борилмаётгани ҳам кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, сенаторлар миллий сайёҳлик ва ҳунармандчилик маҳсулотларини хорижда тарғиб қилиш борасидаги натижалар пастлигидан ҳам хавотир билдирди. Хусусан, 2022 йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистонга Саудия Арабистонидан 446 нафар, Ўмондан 98 нафар, Исроилдан 2679 нафар ва Кувайтдан, бор-йўғи, 235 нафар сайёҳ келган, бу эса мавжуд салоҳиятга мутлақо мос келмайди.

Парламент аъзолари инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва икки томонлама учрашувларни ташкил этиш жараёнида республика дипломатик миссияларининг таклиф ва мурожаатларини кўриб чиқишда тегишли бошқармалар ва компаниялар, шунингдек, жойлардаги ҳокимликлар билан ўзаро алоқа сустлиги ва ишлар жадал амалга оширилмаслиги юзасидан ҳам танқидий фикрларини билдирди.

Шулардан келиб чиқиб, йиғилишда Ўзбекистон элчихоналари билан ҳамкорликни тегишли тарзда мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлис доирасида сенаторлар нефть ва газ қазиб олиш, нефть-кимё, агробиотехнология, фармацевтика ва тиббиёт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликнинг барча имкониятидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини ҳам таъкидлашди.

Ўзбекистон дипломатик ваколатхоналари раҳбарларига улар фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан зарур тавсиялар берилди ҳамда аниқ вазифалар илгари сурилди.

Мажлис якунлари бўйича Сенат қўмитасининг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси котибияти бош маслаҳатчиси Умид Жўраевга падари бузруквори

**АБДУСАМАТ отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Халқ сўзи» йўлланмаси билан

# ИЖОД МАКТАБЛАРИ: УЧИНЧИ РЕНЕССАНСНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

*Катта орзу-умидлар билан ўсиб келаётган ёш авлоднинг эмин-эркин яшаши, замон талабларига мос даражада билим олиши, изланиши, ўқиши ҳамда ўрганиши учун муносиб шароит яратилган жойда тараққиёт, эртанги кунга ишонч пайдо бўлади. Бундай муҳитда камол топаётганлар қалбида ватанпарварлик жўш уради. Улар эл-юртга хизмат қилишдек эзгу мақсадни энг олий бурч, деб билади.*

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган янгича ислоҳотлар замирида ҳам ана шу хайрли вазифа — жонажон Ватанимизни бутун борлиғи билан севувчи ва ардоқловчи авлодни тарбиялашдек мурод ва муддао мужассам. Бу мақсадга эришиш йўлида қилинаётган ишларнинг кўлами шу қадар кенгки, дафъатан уларни санаб адоғига етиш мушкул. Энг яхшиси, бундай улуғвор ниятларга хизмат қилаётган янгиланишларни ҳис этиш, тарғиб қилишдир. Зеро, эзгуликнинг қаноти бор деганларидек, юксак марраларни кўзлаб босилаётган ҳар бир қадам, албатта, ўз манзилига элтади.*

Шавкат Мирзиёевнинг Президент вазифасини бажарувчи сифатида иш бошлаган даврни эслайлик. У киши ўша кунларнинг илк дақиқасиданоқ китоб ҳақида гапирди. Унинг аҳамияти, моҳияти ва фалсафаси хусусида фикр билдирди. Китоб ўқиган одам кам бўлмайди, ундан ёмонлик чиқмайди, дея юрагидаги гапни айтди. Авлонийдан, Фитратдан, Қодирийдан гапирди. Истиқлол учун, Ватан учун жон берган улуғларимизни эслаб, уларнинг хотирасига юксак эҳтиром кўрсатиб келмоқда. Халқимизнинг ҳурмати, эҳтироми ва юксак муҳаббатини қозонган Президентимиз дастлабки сайловдан кейин — 2016 йил 30 декабрда ўзининг илк учрашувини илм-фан фидойилари билан ўтказиши, 2017 йил 3 августда эса адабиёт ва санъат аҳлига қулоқ тутиши азалдан илму адабни, маърифатни қадрлаган халқимизни беҳад қувонтиргани ҳам бор гап.

Яна шунга бутун халқимиз гувоҳки, давлатимиз раҳбари китобни, илмни, санъатни беҳад қадрламоқда. Қайси ҳудудга бормасин, у ердаги ижодкорларни номма-ном санаб, маҳаллий аҳолини ҳайратлантирмоқда. Ўша манзилда яшаб ўтган шоирнинг сўзидан, ижодкорнинг асаридан гапирмоқда. Буларнинг барчаси шу юртни жон қадар суйиш, иймон қадар ардоқлаш туфайлидир.



Ана шундай юксак эъзоз натижасида айни пайтда мамлакатимизда ёшларга янгича услубда сабоқ берадиган, турли йўналишларга ихтисослаштирилган таълим муассасалари фаолияти йўлга қўйилди. Айниқса, халқимизнинг номдор шоиру адиблари меросини улуғлаш, уларнинг шарафли йўлини давом эттириш, қолаверса, янгидан-янги ижодкорларни кашф қилишга қаратилган ижод мактабларининг барпо этилиб, фойдаланишга топширилиши учинчи Ренессанс, янги Ўзбекистон орзусида шахдам одимлаётган давлатимиз учун беқиёс аҳамиятга эга.

Илму маънавиятга интилган, адабиёт ва китобга ошно тутинган ўғил-қизларимизни ўз бағрига олган Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби ҳам шу каби муаззам масканлардан биридир.

Президент таълим муассасалари агентлиги тасарруфидаги, Нукус шаҳрида жойлашган мазкур ижод мактаби Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов номини абадийлаштириш, унинг издошларини кашф этиш ва истеъдодларини кенг намоён қилишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2017 йилда иш бошлаган. 216 ўқувчи ўрнига мўлжалланган мактабда бугунги кунда 10 та синфда 203 нафар ўғил-қиз таълим олади. Ёшларга 33 нафар юқори малакали ўқитувчи томонидан интерфаол тарзда чуқурлаштирилган билим берилмоқда.

Мактабда ўқиш бепул, ўқувчилар беш маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Шинам ётоқхона, барча қулайликка эга спорт зали ва ошхона эртамиз эгалари ихтиёрида. Таълим масканида 24 та фан, 7 та спорт ва бошқа турдаги тўгараклар фаолият кўрсатади.

Бир қатор ижодкор ўқувчиларнинг китоби нашрдан чиқди. 10-синф ўқувчиси Аниса Каримбоеванинг "Энг зўр совға", "Менинг қишлоғим", Гулниса Асаматдинованинг "Доно отам", Айнур Мирзабоеванинг "Акамнинг зўр совғаси", Муқаддас Кобейсинованинг "Мен баҳорни соғиндим", Гулдана Қидирбоеванинг "Қушга озор берма" каби шеърий ва насрий тўпламлари шулар жумласидандир.

Ушбу мактабда пухта билим эгаллаб, хорижий университетларда таҳсилни давом эттираётганлар ҳам талайгина. Масалан, 2020/2021 ўқув йилида Райҳон Бахтибоева Корея Республикаси университетининг талабаси бўлди. 2021/2022 ўқув йилида мактабни 41 ўқувчи битирган бўлса, шулардан 28 нафари маҳаллий олий таълим муассасаларининг талабалари бўлишди, икки нафар ўқувчи — Ажинияз Атаниязов ва Гулжамол Успанова АҚШнинг олий таълим берувчи университетларида таҳсил олмоқда.



Бу ютуқлар, ўз-ўзидан, қўлга киритилган эмас. Мазкур мактабга бориб, шуни англадикки, барча ўқувчи ҳар бир сабоқни меҳр билан тинглар экан. Шунчаки, номига келиб-кетиш, дарс қолдириш улар учун тамоман бегона. Қўлига қалам олиб, оппоқ қоғозга ўзларининг қалбидек беғубор сўзларни битаётган, ҳар икки сўзининг бирида онага, бирида Ватанга эҳтиромини билдираётган бу навқирон авлод шу азиз диёрга ўз волидасига хизмат қилгандек ҳар бир ишга шай туриши муқаррар.

Ишонч билан шундай дейишимизга асос бор. Дастлаб ўқувчилардан беш-олтитасини суҳбатга чорлаб, амин бўлдикки, ижод мактаблари бекорга очилмаган. Эркин ва ижодий муҳит, бадастир шароит, етук ва малакали устозлар ўқувчилар истеъдодини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун ҳам қай бир ўқувчи билан гаплашмайлик, уларнинг теран мулоҳазасини эшитиб, ҳайратландик. Балки бунисi тайёргарлик кўргандир, деб бошқа ўқувчини гапга тутамиз. Яна ўша ҳолат, яна ўша ҳайрат: билдикки, уларнинг барчаси шундай, уларнинг бори шундай.

— Пана-панада, ҳеч кимга билдирмай қўшиқ айтардим (Қорақалпоғистонда шеърни қўшиқ дейишади), — дейди Чимбой туманилик Бийбираба Мавлонова. — Бир куни ошхонада "қўлга тушдим". Онам мени эшитиб турган экан. Жуда хижолат бўлдим. Лекин онам: "Уялма, ижод қилиш ҳар кимга ҳам насиб этмайди", дея менга далда берди. Кейин қўлимдан етаклаб шу мактабга олиб келди. Имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, ўқишни бошладим. Бу ердаги устозларнинг бизга меҳр билан бераётган улкан сабоғидан жуда хурсандман. Онам бир далда бериб, ижодга ундаган бўлса, ўқитувчиларим ҳар куни ўнта далда беришади. Кечагина фақат қорақалпоқ тилида шеър ёзган бўлсам, бугун ўзбек ва инглиз тилларида ҳам бемалол ижод қила оламан.

Бийбираба шундай дея бизга "Баҳорни соғиниб" деган шеърини ўқиб беради:

*Барча дардларимни шеърга ўхшатсам,*
*Бир сокин мусиқа тингласам яна,*
*Қолсам ўзим ёлғиз ёмғир остида,*
*Қўшиқ айтар эдим юракдан ёна.*

*Баҳор — янгиланиш-покланиш фасли,*
*Лекин янгилама дардларимни сен.*
*Янгила, тузатгин ярадор қалбни,*
*Бўлсин, одамларнинг юрак-бағри кенг.*

Ўзини мактабнинг 9-синф ўқувчиси Самад Абдурайимов деб таништирган йигитчанинг сўзларини эшитиб, унинг кўп китоб ўқишига, айниқса, мумтоз шоирлар ҳаёти ва ижодига қизиқиши катта эканлигига ишонч ҳосил қилдик.

— Бобокалон шоиримиз Алишер Навоийнинг ҳаёти, болалик йиллари, ўсмирлиги, давлат арбоби бўлган пайтидаги фаолиятини ўрганиш жону дилим, — дейди у. — Шеърият султонини яқиндан билган тарихчи Хондамирнинг ёзганларини, айниқса, ўзгача мароқ билан мутолаа қиламан. Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Алишер Навоий илмга кўнгил қўйган ўша замон ёшларини ўқитиш учун махсус мактаблар очган, яхши ўқиганларни рағбатлантирган, олисдан келиб ўқийдиганларни эса тураржой билан таъминлаган. Яна қанчадан-қанча мискину ғарибларга доим ёрдам бериб турган. Бу каби маълумотларни ўқиб, ҳайратланаман. Ахир бобомиз уммон қадар ижодий асарлар битишдан ортиб, бу савоб ишларга қандай улгурган?! Яна ҳайратим шундаки, Навоий бобомиз бошлаган хайрли ишлар бугун давом этмоқда. Биз ўқиётган мактабнинг очилиши, бу ерда ёшларга ҳамма шароит қилиб берилиши фикрим исботи. Ўтмишда маърифатга ташна йигит-қизларни ҳазрат Навоий қўллаган бўлса, бугун бизнинг бошимизни Президентимиз силамоқда.

Мана шундай мулоҳаза ва мушоҳадага чорловчи фикрларини айтиб бераётган ёш авлод билан мириқиб суҳбатлашиб, сирлашиб, шеърлашиб ўтирганимизда ёнимизга мактаб директори Руслан Ташимов кириб келди. Ундан бу ўқувчиларни танлаб олганмисиз, десак, директор:

— Буларнинг ҳаммаси шунақа! — дейди фахр ва ғурур билан. — Очиғи, ҳозир Самаднинг гаплари бўлинмаслиги учун йўлакда туриб эшитдим. Тўғри айтди. Энди мен ҳам бу ҳудудда яшайдиган одамларнинг юрагидаги бир гапни айтай: давлатимиз раҳбарининг биз, қорақалпоғистонликларга меҳру муҳаббати юксак. Бир галги ташрифи чоғида Чимбой туманида бўлиб, бошқа кўп масалалар қатори Ибройим Юсупов ижодини ўрганиш ҳақида ҳам тўхталган эди. Ўз фикрларини баён этиш жараёнида у киши: "Кўнгил кўнгилдан сув ичар" дея Ибройим Юсуповнинг сатрларини айтиб, мана шу мактаб фаолиятини йўлга қўйишни таъкидлади. Орадан кўп фурсат ўтмай, мактаб ишга тушди. Бугун бу ерда тарбияланаётган фарзандларимиз эртага юртимизнинг суянчи, ишончи бўлади. Улар учун нимаики зарур бўлса, ҳаммаси тўла-тўкис муҳайё қилинган. Энди улар бу ғамхўрликларга жавобан фақат яхши ўқиши, ижод қилиши керак.

— Биз буларнинг ёшида бундай шароитни ҳавас ҳам қилолмасдик, — дея суҳбатга қўшилади, — мактаб директорининг ихтисослик фанлари бўйича ўринбосари Зулфия Сатбаева. — Етарли шароит у ёқда турсин, оддий дарсларни соғиниб юрардик. Чунки сентябрь ўрталаридан декабргача пахта далаларида сарсон эдик. Январь ва февраль ойида озгина ўқиб, баҳордан яна далага кетардик. Ҳозир бу гапларни айтсам, ўқувчилар ишонмайди. Майли, у кунлар бугунги авлод учун эртакдек бўлиб, ўтмишда қолгани рост бўлсин. Гап шундаки, бу кунларнинг қадрига етинглар, деб кўп айтаман. Рости, ўзим ҳам шеър ёзаман. Ўқувчилик пайтларимизда бировга шеър ёздим, деб айтишга уялардик. Энди эса қаранг, ким шеър ёзса — эъзозда, ким китоб ўқиса — рағбатда. Ўқитувчи ўқитсин, ўқувчи ўқисин, дейиляпти. Ҳар ким ўз ишини қилиши учун барча шароит ҳозирланмоқда. Бундай гўзал имконият ва давр учун раҳмат айтмаслик, миннатдорлик билдирмаслик мумкин эмас. Етиб бўлмас орзуларимизни рўёбга чиқараётган Президентимизга мингдан-минг ташаккур!



Зулфия опанинг айтганича бор. Негаки, "мактаб ошхонаси" деган тушунчани бир неча авлод унутиш даражаси етганда, бу мактабдаги ўқувчилар овқатланадиган жойни кўриб, ҳавас қилдик. Таомноманинг хилмахиллиги эса иштаҳани қитиқлайди: балиқдан тортиб кабобгача, айрондан тортиб қимронгача бор экан. Озода ва ораста стол-стуллар, коса ва пиёлалар, гард қўнмаган сочиқчаларни кўриб, бугунги навқирон авлоднинг пешонаси ростдан ҳам ярқираган, деган ўй ўтади кўнгилдан.

Ошхонадан чиққанимизда, танаффус бўлиб қолди. Катта фойега қўйилган доска ёнига дув этиб йиғилган ўқувчиларни кўриб, ҳамроҳимиз — Зулфия Сатбаевага саволомуз қараймиз.

— Томоша қилинг, кузатинг, — дейди у киши.

Кузатдик: мониторда улуғ ижодкорлар сиймоси гавдалантирилган суратлар пайдо бўлади. Ўқитувчи улардан бирининг, масалан, Лутфий ёки Махтумқулининг бирор сатрини ўқийди. Бу сатрлар кимники, дея савол беради. Ҳамма қўл кўтариб турибди. Ўқувчилардан бирига жавоб учун изн берилади, ўқувчи муаллифни айтади ва ўзи ҳам ўша ижодкордан шеър ёки ғазал ўқийди.

Танаффусдаги бу сабоқни кузатиш чиндан ҳам қизиқарли эди. Ижод мактабининг ўзига хос хусусияти ва жиҳати ҳам шундай бўлиши керак: у бошқа мактаблардан ажралиб туриши даркор. Шу нуқтаи назардан қараганда, бу даргоҳда танаффуснинг ўзи йўқ экан, деган фикрга келдик. Зотан, илм ўрганишда, ижод қилишда узилиш бўлмаслиги, танаффусга эҳтиёж туғилмаслиги айни муддао эмасми?!

Таълим даргоҳида миллий мусиқа асбоблари билан жиҳозланган хона ҳам бор экан. У ҳар қандай меҳмоннинг эътиборини тортиши турган гап. Зеро, ота-боболаримиз азалдан куй-навога ошуфта бўлишган. Ҳар бир хонадонда, албатта, бирор чолғу осиғлик турган. Мактаб ўқувчилари ўқиш ва ижоддан ташқари соз чалишни ҳам ўрганишаётгани янада қувонарли. Худди шунингдек, мактабда сурат чизишга иштиёқи баланд ёшлар ҳам кўп эканки, улар учун яна алоҳида машқ хонаси ташкил этилган. Суратларни кўздан кечираётиб, улардан бири эътиборимизни тортди. Ушбу сурат Ибройим Юсуповнинг "Чимбой йўлларида" деб номланган шеъри таъсирида чизилган. Мактабнинг 10-синф ўқувчиси Аниса Каримбоеванинг сурати шеър руҳиятини тасвирда изоҳлагандек таассурот қолдиради.

Айтишларича, Ибройим оға болалигида Чимбойнинг тор ва тупроқ йўлларидан кетаётганида, отнинг тақасини топиб олади. Тақани олиб, уйига қайтган бола онасига бўлган воқеани айтади. Она тақани қўлига олиб: "Келажакда отли бўларкансан, омадинг куларкан, пешонанг ёруғ экан", дея кўзига ёш олади. Орадан йиллар ўтиб, ёш боланинг етук ижодкор бўлиб етишиши, юрт қаҳрамони бўлиши, унинг номида махсус мактаб фаолият юритиши онаизорнинг ўша қувонч ила айтган сўзларининг тасдиғи эмасми?! Анисанинг сурати ўша воқеанинг бўёқли тасвиридир.

Гап Ибройим Юсуповнинг "Чимбой йўлларида" деган шеъри ва унга ишланган сурат ҳақида борар экан, мактабнинг 11-синф ўқувчиси Дилноза Жуманазарова қаламига мансуб мана бу тўрт қатор шеърни келтиришни жоиз билдик:

*...Сен тонгни куйлагин қувониб, жўшиб,*
*Қора зулмат ичида бир нурдир иймон.*
*Ёлғизлик ҳукмидан беркиниб, қочиб,*
*Ўзингнинг ўрнингни топарсан инсон...*

Вақт кутиб турмайди. У бир зумда ўтади-кетади, аммо ана шу шошқин фурсатлардан унумли фойдаланишни билганлар асло ютқазмайди. Одамларга яхшилик улашишни ўйлайди. Ватанга хизмат қилганлар номини улуғлайди, шарафлайди. Бинобарин, бугун мамлакат дилбандларини асраб-авайлаётган, уларга катта ишонч билдираётган, китоб ўқинглар, мусиқа чалишни ўрганинглар, ижод билан шуғулланинглар, ихтиролар ҳақида ўйланглар, деб бу мақсад йўлида ёшларимиз учун бутун дунё аҳли ҳавас қилса арзийдиган имконият яратиб берган Президентимизнинг хайрли ишлари замирида энг буюк шиор — ИНСОН ҚАДРИни улуғлаш мужассам. Қадри кўтарилган инсон ўзида тенгсиз куч топади, меҳр-мурувватдан юксалади. Ибройим Юсупов айтганидек:

*Кийиклар сув ичар сойдан,*
*Ўрдак, ғоз кўлдан сув ичар.*
*Хўш, одамнинг кўнгли қайдан?*
*Кўнгил кўнгилдан сув ичар.*
*Кўрдим оққуш ўйинларин,*
*Уйқалашиб бўйинларин,*
*Соғингандай ошиқ ёрин.*
*Кўнгил кўнгилдан сув ичар.*
*Отлар гулдур-гулдур кишнаб,*
*Чарх урар уюрин излаб,*
*Қўйлар маъраб, бўта бўзлаб,*
*Кўнгил кўнгилдан сув ичар.*
*Дарёлар денгизга шошиб,*
*Чопади мавж уриб, тошиб.*
*Йўллар йўлларга туташиб,*
*Кўнгил кўнгилдан сув ичар.*
*Олисдаги Асқар тоғлар,*
*Бир-бирини кўрмак бўлар,*
*Шу сабабли юксак улар,*
*Кўнгил кўнгилдан сув ичар...*

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

Тошкент — Нукус — Тошкент

# ДЕПУТАТЛАРНИНГ ЭЪТИРОЗИГА НИМА САБАБ БЎЛДИ?

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитасида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг "2022 йил учун бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикатор ижроси бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.*

## Эшитув

Таъкидланганидек, вазирлик томонидан "Ўзбекистон Республикасининг "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори билан тасдиқланган мақсадли индикаторларнинг ижроси юзасидан тизимли ишлар амалга оширилди.

Хусусан, болаларни вакцинация қилиш дастури бўйича жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига 169,6 млрд. сўм ажратилган ва ушбу маблағ қарийб тўлиқ сарфланган. Шунингдек, болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш дастури бўйича 2022 йилга 58,1 млрд. сўм тасдиқланган. Шундан биринчи ярим йилликка 57,9 млрд. сўм ажратилган бўлиб, белгиланган режа кўрсаткичлари 98 фоизга бажарилган.

Йиғилишда депутатлар кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастури бўйича амалга оширилган ишларга ҳам эътибор қаратиб, ажратилган маблағларнинг сарфланишини ижобий баҳолашди.

Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликлар тарқалишига қарши курашиш дастури бўйича 95,4 млрд. сўм ҳамда нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш дастурига 101,6 млрд. сўм тасдиқланган бўлса-да, ушбу маблағларнинг ишлатилмаганига йиғилиш иштирокчилари эътироз билдирди.

Муҳокамаларга бой бўлган йиғилишда эндокринологик касалликларга чалинган беморларни дори воситалари билан таъминлаш дастури бўйича 28,4 млрд. сўм тасдиқланган бўлиб, ҳисобот даврида 9,5 млрд. сўм режалаштирилганига қарамай 6 ой давомида атиги 2,1 млрд. сўм сарфланганлиги ва аниқланган режа, бор-йўғи, 22 фоизга бажарилганлиги танқид остига олинди.

Тадбирда "Электрон соғлиқни сақлаш" тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот ресурслари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш дастури доирасидаги ишлар ҳам изчил йўлга қўйилмаганлигига, яъни тасдиқланган 50,0 млрд. сўм маблағнинг 25,0 млрд. сўмини 1-ярим йиллик давомида сарфлаш режалаштирилган бўлса-да, атиги 7,5 млрд. сўм ишлатилгани халқ вакилларининг эътирозига сабаб бўлди.

Депутатлар Давлат бюджетидан етарлича маблағ ажратилган бўлса-да, ярим йиллик якунлари бўйича аксарият дастурлар доирасидаги ишлар орқада қолгани, тақдим қилинган маълумотларда чалкашликлар мавжудлиги, айрим ҳолларда эски кўрсаткичлар акс этганлигини танқид қилиб, белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида ижроси бўйича бир қатор таклиф ва тавсиялар беришди.

Йиғилиш якунида кун тартибидаги масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНАДИ

*Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги "Шавғон" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқиш арафасида. Шу кунларда ҳудудда ичимлик суви қувурлари тортилиб, сувсизлик муаммосини узил-кесил ҳал этиш чоралари кўриляпти.*

## Жараён

— "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамияти ва Бухоро вилояти ҳокимлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ҳамкорлигида ишлаб чиқилган дастур асосида маҳалламизда тўрт километрдан зиёд масофада янги қувурлар ўрнатилиб, 537 хонадоннинг тоза ичимлик сувига бўлган талаби қондириладиган бўлди, — дейди "Шавғон" МФЙ раиси Ҳ. Гадоева. — Бу қулайликдан аҳоли, айниқса, аёлларимиз жуда хурсанд. Негаки, эндиликда хотин-қизларнинг рўзғор ташвишлари енгиллашади, одамларнинг ичимлик сувини олисдан ташиб келтиришига ҳожат қолмайди.

Маълумотларга қараганда, айни пайтда Бухоро вилоятининг 7 та туманидаги 16 та маҳалла фуқаролар йиғинида янги сув қувурларини тортиш, мавжудларини реконструкция қилиш ишлари олиб борилмоқда. Бу юмушлар ниҳоясига етгач, 1 779 та хонадонда ичимлик суви таъминоти яхшиланади, 4 160 та хонадонда эса илк бор жўмраклардан зилол сув оқа бошлайди.

**Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 13 882 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.20 Топширилди — 02.20 1 2 3 4 5 6